

## **ARTISTIC IMAGE AND STYLE IN INTELLECTUAL NOVEL**

**Dilfuza Salimboyevna RUZIYEVA<sup>1</sup>**  
**Bukhara State University**  
**ESP Teacher of Natural Sciences Department**

### **Abstract**

It should be noted that the patterns that appear in the relatively broad panorama of the requirements of the intellectual novel genre are formed in European literature. Jonathan Swift's Gulliver's Travels, Daniel Defoe's Robinson Crusoe, Herbert George Wells' The Time Machine, The Invisible Man, The World Struggle, Jack London's Martin Eden, Theodore Dreiser's Daho ", Oscar Wilde, Dorian Gray novels play an important role in the development of the intellectual novel genre.

**Key words:** Intellectual novel, Renaissance, fiction, philosophical-social, Oriental philosophy, human emotions, world literature, mythological poetics, myth.

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОМАНДА БАДИЙ ОБРАЗ ВА УСЛУБ**

**Дилфуза Салимбоевна РЎЗИЕВА<sup>1</sup>**  
**Бухоро давлат университети**  
**Табиий йўналишларда чет тиллар**  
**кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация.** Интеллектуал роман жанри талаблари нисбатан кенг панорамада намоён бўладиган намуналари Европа адабиётида шаклланишини қайд қилмоқ керак. Англия ва ... адабиёти вакилларида Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари”, Даниэл Дефонинг “Робинзон Крузо”, Герберт Жорж Уэллснинг “Вақт машинаси”, “Кўзга кўринмас одам”, “Дунёлар кураши”, Жек Лондоннинг “Мартин Иден”, Теодор Драйзернинг “Даҳо”, Оскар Уайльд, Дорион Грейнинг каби романлари интеллектуал роман жанри тарққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

**Калит сўзлар:** Интеллектуал роман, уйғониш даври, бадиий адабиёт, фалсафий-ижтимоий, Шарқ фалсафасини, инсоний туйғулар, жаҳон адабиёти, мифологик поэтика, афсона.

Академик Матёқуб Қўшжонов ёзганидек, образ – адабиёт ва санъатда образлилик тушунчасининг бир қисми. Образлиликнинг эса маъноси кенг: аввало бутун адабиёт ва санъат, қолаверса, ҳар бир асар инсон ҳаёти ва табиат оламининг инъикоси. Одам, олам, табиат ва предметларнинг бевосита ва жонли инъикосини яратиш санъат ва адабиётнинг ҳаётни ўрганишдаги ўзига хос хусусиятларидандир. Фан исботлайди, санъат ва адабиёт кўрсатади<sup>1</sup>. Маълум бўладики, бадиий адабиётнинг ҳаётни, инсоният фаолиятини образли шаклда кўрсатиши бу соҳа мағзидаги масалалардан муҳими саналади. Чунончи, ҳаётини воқеаларни, қарама-қаршиликлар, турли муомала-муносабатлар тизимини таъсирчан, жонли, жозибали шаклда тасвирлаш мақсадини инсон образи таркибида ифода қилиш, устига-устак, бу жараёнларни образли йўсинда “бера олиш” ўта оғир ва машққатли фаолият. Ёзувчининг санъаткорлиги ана шу мураккаб вазифани қай тарзда бажара олганлиги билан ўлчанади ва баҳоланади. Кишилар образ-тийнати орқали ҳаётни тасвирлаш учун ёзувчига ўзига хос, нотакрор бадиий тасвирлаш услуби лозим бўладики, ўз навбатида услуб масаласи, услубий шакллантира олиш вазифаси моҳиятан образ тушунчаси ва образ яратиш вазифасидан ҳам бирмунча қийин ҳисобланади. Жаҳон

<sup>1</sup> М.Қўшжонов. Ижод сабоқлари. “Ёш гвардия” нашриёти, Тошкент, 1973, 176-бет.

адабиётшунослигида улкан олим В.Г.Белинскийнинг “Услуб – бу истеъдоддир” деган назарий ва амалий аҳамиятга молик концепцияси кўп ишлатилади, кўп талқин қилинади. Бинобарин, услубда ёзувчи ва шоирнинг, энг аввало, беқиёс бадиий маҳорати, юксак санъаткорлик даражаси ёрқин намоён бўлади. Ижодкорнинг ижодкорлиги, ҳаёт воқелигини нақадар жозибали ва ишончли тасвирлаб бера олиши энг аввало унинг ўз иқтидорида шакллантирган бадиий-тасвирлаш услубига бевосита боғлиқ. Таниқли услубшунос олим А.Н.Соколов шундай ёзади: “Асар услуби ҳам ғоя, ҳам образ, ҳам метод, ҳам жанр билан белгиланади. Услубий омиллар ранг-баранглигини қандайдир бир масалага боғлашга интилиш – оддий жўнлик ёки соддалик белгиси саналади. Услуб ёрдамида яратиладиган омилларнинг турлилиги ва ранг-баранглигини тан олишлари керак бўлади. Бундай адабий омилларнинг ҳар бири услубнинг шаклланишига у ёки бу даражада таъсир этади”<sup>2</sup>. Адабиётшуносликда бадиий услуб масаласида ниҳоятда кўп ишлар қилинган. Ҳатто, бу улғу мозийнинг атоқли олимлари Аристотель, Фаробийдан бошлаб бугунги энг ёш адабиётшуносларгача назар ташланмасин, қайси бир қирраси ўрганилган масала сифатида эътиборни тортади. Европанинг донгдор адиби Оскар Уайльднинг “Дорион Грейнинг портрети”, ёш ўзбек ёзувчиси Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романларига хос ўқимишлилик, равонлик, ғоя-мақсадларнинг ўз маромида талқин қилина олганлиги каби масалаларда балки адабий ютуқлар кўлами албатта уларнинг образ тушунчаси ва вазифасига, бадиий услуб талабларига ўзига хос нотакрорлик билан ёндаша олганликлари билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳам диққат марказига қўймоқ лозим. “Дорион Грейнинг портрети” романи кенг давр манзараларининг (XIX аср Европа муҳити) қамраб олган эса-да, унда қатнашадиган образлар, адиб тимсоллар айтарли кўп эмас. Асарнинг бошдан-охир ҳаракатда бўладиган Дорион Грей ва унинг маслаҳатгўй дўсти анча қув ва шу билан бирга донишманд келбатли Лорд Генри романнинг етакчи адабий қаҳрамонлари саналади. Рассом Безил Холлуорд, кимёгар олим Алан Комибел каби жиддий табиатли зиёлилар, яна айрим маданиятли зодагон аёллар, театр актрисаси Сибила Вэйн сингари санокли кишилар асар образлар мажмуини ташкил этади. Романда жиддий, маълум ғоявий мақсадга хизмат қиладиган қаҳрамонлардан кўра, иккинчи даражали, перчонажлар сони ва майда-чуйда, арзимас вазифа адо этадиган майда образлар сони ва салмоғи анча кўп. Дорион Грей билан Лорд Генри романнинг энг етакчи ва муҳим ғоявий-поэтик юк ташийдиган қаҳрамонлари саналади. Ва, асарнинг ўзига хос поэтик нотакрорликларидан бири сифатида характерланадиган диалоглар, мулоқотлар тизимида асосий етакчи ғоялар ҳам шу икки ҳамсуҳбат томонидан амалга

<sup>2</sup> А.Н. Соколов. Теория стиля. Москва, 1968, стр.104.

оширилган. “Дорион Грей”ни жанрий аниқлик нуқтаи назаридан фалсафий роман турига киритиб, ундаги образларнинг ҳар бирида ўзига хос шаклда муаллифнинг фалсафий-эстетик ғоялари мужассам эканлигини қайд қилиш керак. Мавзу жиҳатдан эса, уни санъат имкониятлари ва унинг ҳаёт билан алоқадорлиги мазмуни билан изоҳлаш мумкин. “Ёш ва навқирон Дорион Грейнинг гўзаллиги айнаи вақтда ҳаётнинг ўзига хос кўриш ва гувоҳ бўлиш мумкин, - деб ёзади адабиётшунослар Вл.А.Луков ва Н.В.Соломатина. – Аммо, бу гўзаллик худди ҳаётнинг абадий эмаслиги каби доимий ҳолат эмас. Ҳаётдан қониқиш ва рози бўлиб яшаш тимсоли сифатида асар сахнасида Лорд Генри пайдо бўлади. Уни Уайльд, ўзининг ғоявий концепциясига кўра, яъни Мефистофель каби билади ва шундай талқин қилади. адиб таъбирича, у Дорион Грейга дунё бўлиб кўринса-да, аслида Грейни чақадиган заҳарли илон саналади. Грей учун барибир гўзаллик завқланиш манбаи, соғлиқ ва ҳаётнинг муҳим мукофоти саналади. Шу мақсад-аъмолидан келиб чиқиб, у ҳашаматли уйини ғоят қимматбаҳо тошлар, юксак санъат асарлари, антиквар буюмлари билан мукаммал қилиб безайди. Чунки, унинг учун санъатдаги гўзаллик абадият ва бебаҳодир”<sup>3</sup>. Бу ўринда Уайльдни Лорд Генрини Мефистофель тимсолида тасаввур этиши ва шундай кўриши билан боғлиқ масала қизиқиш уйғотади. Тўғри, О. Уайльд жаҳон адабиёти дурдоналарини анча мукаммал ўзлаштирган адиб эканлиги билан эътиборни жалб қилади. у, айниқса, “Дорион Грейнинг портрети” романини яратишда интеллектуал руҳдаги асарларни батафсил ўрганган. Бу албатта, “Илоҳий комедия” (Данте), “Декамерон” (Боккаччо), “Фауст” (Гёте) каби жаҳоний асарларнинг мумтоз аъналаридан унумли фойдаланган. Хўш, Уайльдни ўзи Лорд Генрини нега айнан Мефистофельдек дунё адабиётнинг ғоят типик Иблис образи билан ёндош ҳолда тасаввур қилган? Ҳар ҳолда, зодагонлар муҳитининг ёрқин вакили Лорд Генри анча маданий қиёфаси, донишмандона фазилатлари, инсонга хайрихоҳлик хусусиятлари мавжуд адабий тимсол. Унинг асосий фаолияти, яхши ният ва истаклари ўзи ёқтирган, нотакрор шахсият бўлиб шаклланишини, юксак обрў соҳиби даражасига кўтарилишининг истаган Дорион Грей билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Мефистофель аслида ашаддий ёвузлик тимсоли бўлиб эмас, ўз навбатида яхшиларнинг яхшилигини, эзгуларнинг эзгулигини янада кучайтиришга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш учун фидойилик қиладиган кучдек таассурот қолдиради. Ақл-тафаккур, илм-маърифат тимсоли Фауст Мефистофельга илк дуч келганида бу ғаройиб кимсанинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланган асноси савол-жавоб қилишга, унинг кимлигини, мақсад-муддаоларини билиб

<sup>3</sup> Вл.А.Луков., Н.В.Соломин. Феномен Уайльда. анализ. Москва, “Наука”, 2007, стр.70.

олишга уринади. Яхшилик қилувчи кучнинг бир қисми<sup>4</sup>. Тўғри, Мефистофель тимсолидаги Иблис ҳеч қачон кўнглидаги қора ниятини ошкор қилмайди. У ёмонлик, ёвузлик қилса-да, унинг мағзида ўша одам учун яхшиликлар тилаги ҳам мавжуд бўлади. Иблислар ҳар нечук хатти-ҳаракатларини яширин, сир тутишга, асл муддаосини билдирмасликка уринади. Мефистофель ўзининг ёвуз ва бадбин ниятларини яширмоқчи ҳам эмас. У барибир ўзини одамзоддан, эзгу амаллардан устун деб билади, одамларнинг унинг маҳв эта олмасликларини ҳам яхши билади. Иблис одамнинг одамини, дунёларни, яхшилик ва нурни яратган Тангри Таолони ҳам тан олмайди. Ақл-тафаккур ва заковат тимсоли Фауст Мефистофель тийнати, қора ният-мақсадларини англаб етар экан, соф кўнгил билан бу Иблисга тўғри йўлни бошлашни маслаҳат беради. Иблис коинотни Худо яратиб, ўзи ҳимоя қилишини фаҳм қилолмасди. Оллоҳ қудрати остида бари ёвузликлар, бари қирғин-баротлар жонсиз-самарсиз бўлиб қолишини улуғлаш – жаҳоншумул полотно “Фауст”нинг ғоявий мағзини ташкил этади. “Дорион Грейнинг портрети”да, дарҳақиқат, Мефистофель кишилар тимсоли бор. Айнан Иблисдек ваҳшат билан ёвузлик, ёмонлик, бузғунчилик қилмасалар-да, кўнгилларида, мақсад-муддаоларида шундай бадбинликлар, ҳасадгўйликлар муҳри мавжуд. Шулар орасида йирик зодагон, беҳисоб бойликлар соҳиби, санъат ва адабиёт ошuftаси, характер-тийнатиға кўра, ҳайвонсифат, ташкилотчилик, уюштирувчилик қобилиятиға эға Лорд Генри шахсияти алоҳидалик касб этган. Романнинг биринчи боби Лорд Генрининг рассом Безил Холлуорднинг устахонасидаги суҳбат-мулоқоти билан бошланади. Суҳбат жараёнида Холлуордға яқин таниш, Генри эса ҳам номини эшитса-да, ўзи билан юзма-юз бўлмаган Дорион Грей характер-хусусияти таъриф-талқини билан ҳам боғланиб кетган. Маълумки, ҳар бир бадий асарнинг мавзу, образлар олами, сюжет, композиция ёки бадий санъаткорлик унсурлари шу асарнинг ёзувчиға хос адабий-бадий услуб орқали ўз талқинини топади. О. Уайльд романда қўллаган ва кўзлаган ғоявий поэтик муддаоларига эришишда адабий суянчиқ вазифасини ўтаган услуб – бу асосан ўзаро диалоглардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бу кўпинча Лорд Генри – Дорион Грей, Лорд Генри – Безил Холлуорд, Дорион Грей – Алан Кэмпел суҳбатдошликлари шаклида намоён бўлади. Мазкур роман шаклан изчил диалог-монологлардан таркиб топган эса-да, ана шу эркин мулоқот услуби унинг енгил ўқилиши, фикрлар, ғоялар талқинининг аниқлиги ва салмоқчилигиға эришиш имконини берганлигини таъкидлаш жоиз. Бизнингча, диалоглардан унумли фойдаланиш – О. Уайльдининг энг таниқли драматург, неча сахна асарлари муаллифи бўлганлиги факти

<sup>4</sup> Гёте. Фауст. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1972, 71-бет (“Фауст” мисоллари шу манадан)

билан бевосита боғлиқдир. Жаҳон адабиётида бевосита диалог ва монологлар поэтикасига шаклига қурилган ўқимишли асарлар ҳам мавжуд. Масалан, грузин адибаси Людмила Сидадзенинг буюк ҳаким Ибн Сино даҳосига бағишланган “Олис юлдузлар қаҳкашони” номли шеърӣй романи диалоглар ва монологлар шаклида яратилган. “Лорд Генри Уоттон эроний гиламлар тўшалган диван устида ҳар доимгидек папиросини кетма-кет тутатганича узала тушиб ётарди” (4-бет). Роман унинг етакчи образларидан бири Лорд Генрининг ана шундай талтайиб ётган ҳолати билан бошланади. У рассом Безил Холлуорд устахонасида, рассом эса пилоди билан банд. Холлуорд ишлаган чиройли ва самимий йигит – Дорион Грейнинг улкан портрети кўзни яшириб турибди. Ёш қаҳрамон Грей ўзи эмас, тимсолининг портрет асаридаги акси орқали асарга кириб келишигача адиб рамзий-эстетик маъно юклаётганлигини сезиш мумкин. Нега бундай? Чунки модерн адабиёти намуналарига хос сирли-ғаройиблик, мифологик, илоҳий талқинлар қоришигидан иборат мазкур романда ҳам “портрет” адабий детали ўзига хос образ, ғоя, фалсафий-ижтимоий кўлам мақомида талқин этилган. Портретда Грей маънавияти, ўзгарувчан характер-тақдири қирралари акс этиб туради.

## References

1. D.S.Ro'ziyeva. INTELLECTUAL ROMAN TRANSLATION IN WORLD LITERATURE .INTERNATIONAL OF FOREIGN LANGUAGES AND LINGUISTICS. Volume 2, Issue 2, 2021.
2. Д.С.Рўзиева. Интеллектуал роман генези специфик таснифи. Сўз санъати халқаро журнали 4-жилд, 1-сон. ISSN 2181- 929. Doi Journal 10.26739/2181-9297
3. D.S.Ro'ziyeva CHARACTERISTICS AND ANALYSIS OF INTELLECTUL NOVELS IN LITERATURE. INTERNATIONAL OF FOREIGN LANGUAGES AND LINGUISTICS. Volume 2, Issue 2, 2021
4. Mavlonova U. K., Maxmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.
5. D.S.Ro'ziyeva. INTELLECTUL NOVELS
6. Д.С.Рўзиева. Интеллектуал романнинг ўзига хос хусусиятлари
7. D.S.Ro'ziyeva, Sh.Miraliyev. Listening training in the methodology of the teaching foreign languages. 11<sup>th</sup> International conference “Science and Practice: A NEW LEVEL OF INTEGRATION IN THE MODERN WORLD”. September, 10-

November, 30, 2020, Sheffield, UK, ISBN 978-0-989799- 4-2, DOI:  
[http://doi.org/10.15350/UK\\_6/11](http://doi.org/10.15350/UK_6/11)

8. Mavlanova Ugiyoy Khamdamovna, Ruzieva Dilfuza Salimboevna, Babaeva Vasila Toshpulatovna. Irony in dramatic works//International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – T. 24. – №. 3.

9. Ugiyoy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS

10. Achilova R.A. “THE SEMANTIC VALUE OF ANTONOMASIA IN THE WORKS OF SHAKESPEARE”. International Journal of Word Art. Volume 4, Issue 2. – Toshkent.,2021.- 6 p. ISSN 2181-9297

11. Achilova R.A. THE ROLE OF ANTONOMASIA IN THE PROSE OF ALISHER NAVOI. Scientific reports of Bukhara State University. Volume 6,- Bukhara.,2020.- 188p

12. D.S.Ro'ziyeva. PECULIARITIES OF THE INTELLECTUAL NOVEL. INTERNATIONAL JOURNAL ON INTEGRATED EDUCATION. E -ISSN: 2620 3502. p- ISSN: 2615 3785.

13. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.

14. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT//International Journal on Integrated Education. – 2020. – T. 3. – №. 9. – C. 108-111.

15. Qodirov D.H. GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING//Scientific Bulletin of Namangan State University, 2020. - №. 10., p. 256-260.